



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 5 февраль, № 25 (8920)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЛАЙЗИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг таклифига биноан
4 февраль куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Куала-Лумпур халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Малайзия парламенти Вакиллар палатаси спикери Жоҳари бин Абдул, таълим вазири Замбри Абдулқодир ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон етакчисининг ташрифи шарафига фахрий қоровул саф тортиди, икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди.

Президентимиз аэропортда Малайзия парламенти спикери билан учрашув ўтказди. Бўлажак олий даражадаги учрашувлар кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Парламентлар доирасида фаол ҳамкорлик ва алмашинувларни давом эттириш, ўзаро ташрифлар ва дўстлик гуруҳлари тадбирларини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги масалаларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, муҳим инвестициявий, инфратузилмавий, ижтимоий ва маданий-гуманитар дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташриф дастурининг асосий тадбирлари 5 февраль куни бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазири олий даражада музокаралар ўтказишда ҳамда Ўзбекистон — Малайзия бизнес форумида иштирок этади. Саммит якунида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

МАЛАЙЗИЯ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁГА КИРИШ ДАРВОЗАСИ

Ўзбекистон — Малайзия муносабатларида мулоқот янги суръат кузатишмоқда. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклини фаоллаштириш учун мустақам пойдевор яратилди, томонлар халқаро ташкилотлар доирасида яқин ва конструктив ҳамкорликни йўлга қўйди.

Биз ва жаҳон

Ўтган йилнинг май ойида мамлакатимиз Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама алоқаларга сезиларли суръат бағишлади. Унинг якунлари бўйича юқори натижаларга эришилди. Хусусан, кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, юқори технология лойиҳаларини илгари суриш мақсадида Ўзбекистон — Малайзия саноат зонасини ташкил этишга келишиб олинди. Ўтказилган бизнес форуми якунида қиймати 3 миллиард доллардан зиёд 19 та инвестиция битими имзоланди.

Ҳар қандай давлатлар ўртасидаги муносабатларда савдо-инвестициявий ҳамкорлик муҳим ўрин ту-

тади. 2020 йил февраль ойида Малайзия парламентида 5 нафар депутатдан иборат “Малайзия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи тузилгани ҳолда ўша йили май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 12 депутатдан иборат “Ўзбекистон — Малайзия” парламентлараро дўстлик гуруҳи, шунингдек, Олий Мажлис Сенатида мамлакатимиз парламенти юқори палатаси (Сенати) билан парламентлараро дўстлик гуруҳи ташкил этилди.

2024 йилнинг 7 июнь куни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Малайзия парламенти Сенати Раиси ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



тади. Шу маънода, биргина 2024 йилда бу кўрсаткич 2023 йилдагига қараганда 13,2 фоиз ўсиб, 100 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ҳудудида Малайзия капитал иштирокидаги қўшма корхоналар сони 40 тага яқинлашди.

Ўзаро муносабатларни жадаллаштиришда икки давлат парламентлари ўртасидаги мулоқотлар

Ўзбекистон ва Малайзия Сенатлари ҳамкорлигига оид тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда амалий ҳаракатлар — қонун ижодкорлиги, парламент назорати, қўмита ҳамкорлиги ва ҳудудларни ривожлантириш каби масалаларни акс эттиришга келишиб олинди.

3

Олий Мажлис Сенатида

АЁЛ ТАДБИРКОРЛАР ҲАРАКАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси, комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда давлат раҳбари томонидан хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигига кўмаклашиш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, зарур шарт-шароитларни яратиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш йўлида муҳим чоралар кўришмоқда. Ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни мустақамлаш мақсадида юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигига кўмаклашиш бўйича Сенат Раиси бошчилигида Янгиёул туманининг Қирсадақ ма-

ҳалласи тажрибаси асосида республикада янгича тизим йўлга қўйилди. 2024-2025 йилларга мўлжалланган чоратадбирлар дастури тайёрланиб, шу асосда фаолият йўлга қўйилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурсларидан хотин-қизлар тадбиркорлиги лойиҳаларини молиялаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинди.

Шунга мувофиқ Халқ банки, “Микрокредитбанк”, Бизнесни ривожлантириш банки орқали хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид 250 та тавсиявий бизнес лойиҳа ишлаб чиқилди. “Лойиҳалар фабрикаси” электрон платформаси ишга туширилиб, фойдаланувчиларга тавсиявий бизнес лойиҳалар, соҳалар бўйича ажратиладиган кредит шартлари билан танишиш, кредитларни онлайн расмийлаштириш имконияти яратилди.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид қатор масалалар, жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш, солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокамаларда асосий эътибор уларнинг долзарблиги, зарурати ва аҳамияти, шунингдек, аҳоли манфаатларига қай даражада мослигига қаратилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — доимий эътиборда

Мажлисида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кучайтириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда. Лекин олди-сотди муносабатларида истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароит-

лар яратиш зарурати юзага келяпти. Шундан келиб чиқиб мазкур қонун лойиҳаси билан сотувчи истеъмолчиға шартномада кўрсатилган муддатларда товарни топширмаган тақдирда, мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига пеня тўлаши назарда тутилмоқда. Бунда пеня суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосидан ортиқ бўлмаслиги, пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган сотувчи товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмаслиги белгиланяпти.

2

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш бутун дунё миқёсида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис кейинги етти йилда мамлакатимизда ҳам “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, айниқса, қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Муносабат

Соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилон фойдаланиш тўғрисида”, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари такомиллаштирилди. Бу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. “Яшил” энергия манбаларини барпо этиш бўйича қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатлар доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланилган ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий қилинди. Инвесторлар учун катта имкониятлар яратилди.

2

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ДАВР ТАЛАБИ

Глобал иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири экани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. У инсон ҳаётининг барча соҳасига таъсир кўрсатапти ва иқлим ўзгариши салбий оқибатлари олдини олиш ҳамда мазкур шароитларга мослашиш кун тартибининг долзарб масаласи сифатида алоҳида аҳамият касб этапти.

Мушоҳада

Айниқса, бу борада дунё тажрибаси биноларни қуриш жараёнида уларнинг аънавий равишда лойиҳалаш тизимларини қайта кўриб чиқиш ҳамда конструктив ва технология чечимларга бўлган муносабатини ўзгартиришни тақозо этмоқда.

Айтиш жоизки, ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Нидерландия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда бугунги кунда қуёш

қурилмалари билан жиҳозланган энергия тежамкор биноларнинг янги турларини яратишга, шунингдек, тураржой ва жамоат биноларини лойиҳалашда экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбаларидан, биринчи навбатда, қуёш нуруларни энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Бугунги кунда инсоният томонидан табибий ресурслардан меъёрдан кўпроқ ва ноодатий тарзда

фойдаланиш натижасида келиб чиқётган табиий офат ва экологик зиддиятлар оқибатларини англаб етган ҳолда мамлакатимизда ҳам қатор қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Уларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасидаги муносабатлар ҳамда имтиёزلар белгилаб берилган.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимизда электр энергетикасини 2025 — 2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот ўтказилиб, унда янги электр станциялари ва энергия сақлаш қувватларини барпо этиш, тармоқда йўқотишларни камайтириш, соҳага рақамлаштирилган бошқаруви жорий қилиш, электр энергияси таннархини пасайтириш, бунинг омили сифатида муқобил манба-

ларни кўпайтириш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз табиий ресурсларга бой ҳудуд бўлишига қарамай сўнгги йилларда тадбиркорлигининг мислсиз ривожланиши, янги ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиши сабабли энергия манбаларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ўсиб бораётгани ҳам ҳақиқат. Шу боис энергетика соҳасида бир қатор муқобил (қуёш, сув ва шамол) манбалар асосида янги лойиҳалар жорий этилаётган даврда ҳам истеъмолчиларни барқарор энергия билан таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг электр энергияга бўлган эҳтиёжи йилига 100 млрд. киловаттти, ишлаб чиқариш эса 81 млрд. киловаттти ташкил этади.

2

АЁЛ ТАДБИРКОРЛАР ҲАРАКАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Белгиланган вазифалар ҳамда мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига, аниқланган муаммоларнинг тезкорлик билан ҳал этилишига кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлис Сенати ҳамда Республика комиссияси аъзолари ҳудудларга, маҳаллий Кенгаш депутатлари туман, шаҳар ва маҳаллаларга бириктирилди.

Натижада 2024 йилнинг ўзида хотин-қизларнинг 251,4 минг доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 54,5 минг жамоат ишларига жалб қилинди, 177,1 минг касб-хунарларга, 147,3 минг тадбиркорликка ўқитилди. 55,1 минг хотин-қизга 289 млрд. сўм субсидия ажратилиб, бандлиги таъминланди. 206,6 минг хотин-қизга тадбиркорлик фаолияти-

ни йўлга қўйиш ва уни кенгайтириш мақсадида 3 трлн. 472 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Тадбирда ижобий ишлар билан бирга, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича айрим топшириқларнинг ижроси танқидий таҳлил қилинди. Баъзи маҳаллаларда хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш, жамоат ишларига жалб қилиш, ҳудудларнинг драйверидан келиб чиқиб касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш талаб даражасида эмаслиги айтилди.

Тижорат банкларига ташаббускор хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, лойиҳаларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш, аёл тадбиркорлар билан доимий мулоқот қилиш ва муаммоларини ечиш муҳимлиги таъкидлан-

ди. Камчиликлар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, ҳудуд раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, бартараф этиш чораларини қўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Мажлис давомида Республика комиссияси томонидан келгусида амалга оширилаётган ишларга ҳам урғу берилди. Норасмий бандлиқни қисқартириш, ногиронлиги бўлган меҳнатга лаёқатли ишсиз аёлларга эътибор қаратиш, юқори даромадли ва замонавий касб-хунарга хотин-қизларни ўқитиш қамровини кенгайтириш, ҳудудларнинг ўсиш драйверидан келиб чиқиб, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш вазифалари белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

«Маҳалла еттилиги»: МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО

Айни кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда маҳаллий Кенгаш депутатлари, “маҳалла еттилиги” ва аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши котибияти фаолияти билан танишди. Мулоқот давомида депутатлар фаоллигини янада ошириш, муаммолар ечимини ҳал қилишда Кенгаш ваколатларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратилди.

Сенатор “маҳалла еттилиги” вакиллари билан учрашув ўтказиб, мамлакатимизда ҳаёгга татбиқ қилинётган ислохотлар, яратилаётган қулайликлар, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, жойлардаги муаммо-

ларни тезкор ҳал этиш борасида тушунтиришлар берди.

Шунингдек, Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фаолияти, моддий-техник базаси, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ҳамда беморлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам ўрганилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини давлат томонидан қафолатлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда аҳолининг барча қатлами учун тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини яратиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди ва тавсиялар берилди.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қўтбиддин Бурхонов Андижон вилоятида ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Тolibжон Мадумовор билан бирга Ўзбoскaн туманидаги Тошлoқ маҳалласида сайловчилар билан мулоқотда бўлди.

Унда Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўриб чиқилган масалалар мазмун-моҳияти ҳақида дафъасил маълумот берилиб, одамларни қийнаётган муаммоларга эътибор қаратилди.

Учрашув чоғида оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, норасмий бандлиқни бартараф этиш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига урғу берилди.

Ўз навбатида, маҳалла аҳолиси томонидан халқ вакилларидан ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим топишда амалий ёрдам сўралди. Мазкур масалалар ўрганиб чиқилиши ва қонун доирасида ҳал этилиши маълум қилинди.

ТЕГИШЛИ ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Жамила Бобоназарова Шароф Рашидов туманидаги Кенгли ва Хайрoбoд маҳаллаларида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотларда аҳоли муаммоларини ҳал этиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва бандлиқни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Сенатор ва маҳаллий Кенгаш депутатлари маҳалла аҳолиси билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглашди. Маҳаллаларда ечимини кутаётган масалалар жойида ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тадбирда парламент юқори палатасининг учинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар мазмун-моҳияти ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 14 январьдаги “Ҳудудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сенаторларнинг “маҳалла еттилиги” билан

ўзарo ҳамкорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хусусида батафсил ташуриш берилиди.

Учрашувда Сенат ва унинг Кенгаши ҳамда тегишли кўмиталар томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш баробарида муаммоларга қонуний ва тизимли ечим топишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Айтиш жоизки, сенатор ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг “маҳалла еттилиги” билан учрашувлари ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида асосий платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда дастлаб “Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Конвенцияга (Орхус, 1998 йил 25 июнь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун қўриб чиқилди.

Мазкур Конвенция инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. Конвенцияга қўшилиш ва нормаларини миллий қонунчиликка киритиш фуқароларнинг фаровон атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини, қарорлар қабул қилишда иштирок этишини ва маълумот олиш ҳуқуқини таъминлайди. Атроф-муҳит соҳасидаги миллий қонунчилик амалиёти устидан жамоатчилик назоратининг замонавий тизимини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлис давомида “Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Ўзинчи қўшимча баённомани (Аддис-Абеба, 1984 йил 7 сентябрь) ва Ўн биринчи қўшимча баённомани (Абиджан, 2021 йил 26 август) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Қонун билан ратификация этилаётган ушбу баённомалар Умумжаҳон почта иттифоқида аъзо мамлакатлар билан алоқаларни ва халқаро почта алмашинуви ташкил этиш ҳамда самарали хизматларни барқарор ривожлантиришни назарда тутди.

Умумжаҳон почта иттифоқида аъзо давлатларнинг белгиланган почта операторлари ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларида Почта алоқаси миллий оператори Ўзбекистон Республикаси мамоқатларини ўз ваколатлари доирасида ҳимоялаш ва сақлашда вакиллик қилиш вазифаларини бажаради.

Мажлис якунида кўмитанинг тегишли қарорлари маъқулланди.

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўтган йили 6 мингдан ортқ жисмоний шахслар ушбу дастурдан фойдаланган ва электр тармоқларига ўтказилган қуёш энергияси учун Давлат бюджетидан қарийб 9 млрд. сўм субсидия олгани эътиборга молик.

Қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежамкор технологиялар жорий этилишида истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқларо энергияни тежаш жамғармасининг электрон платформаси (energymarket.uz) ишга туширилди. Бундан ташқари, соҳага киритилган 2 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар ҳисобига қуввати 2,7 гигаваат бўлган 9 та қуёш ва 1 та шамол электр станциялари ишга туширилди. Айни пайтда бир қанча лойиҳанинг қурилиш давом этмоқда. Янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 млрд. киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 млрд. кубометр табиий газ тежаллади. 4,6 млн. тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинди, 4 млн.дан зиёд хонадон улзуксиз тоза энергия билан таъминланади. Бу иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 млрд. долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки бўлади.

Халқаро компаниялар билан умумий қуввати 20630 мегаватт бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 38 та шартнома имзоланган. Умумий қиймати қарийб 21,121 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳалар тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳисобига Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой ва Германия компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктуралмавий инвестициялар банки, Исланд тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил” қувватлар барпо этилиб, умумий энергия ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Хусусан, жорий йилда 3,4 минг мегаваттли 18 та қуёш ва шамол станцияси, 1,8 минг мегаваттли сақлаш тизимлари ишга туширилиб, келгуси йили “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажмлари

12 млрд. киловатт-соатга етиши кутилмоқда. Бу энергия ресурсларини диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни улзуксиз энергия билан таъминлаш ва табиий газни тежаш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш имконини яратди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда даромадга эга бўлиш, атмосферага чиқадиغان зарарли чиқиндиларни 34 млн. тоннага камайтириш мумкин.

Ортиб бораётган талабни қоплаш учун 2030 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 135 млрд. киловатт-соатга етказиш зарурлиги таҳмин қилинмоқда ва бунда сақлаш тизимларининг минимал ҳажми 4 000 мегаватт-соат ёки 8 000 мегаватт-соат қувватга эга бўлишини назарда тутувчи аниқ дастур ишлаб чиқилган. Ушбу рақамларнинг ўзбек мазкур соҳадаги ислохотларнинг аҳамиятини янада аёқол намоён этади.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини фаол жорий қилишда ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам электр энергия улзуксизлигини таъминлайдиган захира қувватлари — энергия сақлаш тизимлари (станциялари)га эҳтиёж ортиши табиий. Хитой компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа доирасида ҳар бири 150 мегаватт қувватга эга иккита энергия сақлаш тизими ишга туширилди.

Шу билан бирга, “яшил” энергетика йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик ҳам кенгайтирилмоқда. Бу борада минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилишига келишиб олинди. Бундан ташқари, хорижий ҳамкорлар билан “яшил” энергияни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича битим имзоланди.

Мамлакатимизнинг “яшил” энергетикага жадаллик билан ўтиши минтақада экологик мувозанатни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини улзуксиз таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан қатор йиғилишлар, семинарлар ўтказилгани, уларда берилган тақлифлар чуқур таҳлил қилингани айтилди. Асосли деб топишган тақлифлар ҳужжат матнида акс эттирилиб, лойиҳа ҳар томонлама пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилгани ва маромига етказилгани таъкидланди.

Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилган депутат Эмма Асланованинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини ҳимоялаш ва олди-сотди шартномасига мувофиқ сотувчи шартлашилган мuddатда ёки мuddатларда товарларни истеъмолчига топширмаслиги каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Фуқаролар саломатлигини таъминлашда масъуллик

Мажлисида қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ йод етишмаслиги касалликларининг оммавий профилактикаси озик-овқатда йодланган туз ишлатиш ва йодланган озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, айрим ош тузи ишлаб чиқарувчи қорхоналар томонидан ош тузини йодлаш жараёни талабларга жавоб бермайди.

Шунингдек, истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган ҳамда ош тузини ишлаб чиқариш, ташитиш, сақлаш ва реализация қилишга доир талабларни белгилаш бўйича қўшимча чораларни қўриш зарурати юзага келмоқда.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ош тузини ва озик-овқат маҳсулотларини йодлаш учун фойдаланиладиган таркибда йод бўлган препаратларни, уларга қўйилмадиган талабларни, ош тузини ва озик-овқат маҳсулотларини йодлашга, йодланган тузни ишлаб чиқаришга, ташитишга, сақлашга ва реализация қилишга қўйилмадиган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини белгилаш ҳамда унинг назоратини олиб бориш ваколатлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилган депутат Муқаддас Ўразалиева депутатлар томонидан берилган бир қатор саволларга жавоб бериш баробарида, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Солиқ соҳасидаги муносабатлар такомиллаштирилмоқда

Депутатлар томонидан солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси Шарофиддин Назаров маъруза қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар эркин ва самарали фаолият юритиши учун қулай

камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда озодлиқни чеклаш ва озодлиқдан маҳрум қилиш таъриқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутиляпти. Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у терговга қадар текширув, тергов ва биринчи инстанция суд муҳокамаси давомида солиқлар ҳамда йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Муҳокамада депутатлар томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган бир қатор тақлифлар илгари сурилди. Жумладан, лойиҳанинг



шарт-шароитлар яратиш, солиқ соҳасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бизнес муҳитини яратишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноят ишлари доирасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурати юзага келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақсадида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун қўшимча ҳисобланган маблағлар тергов органи депозит ҳисоб рақамидан бюджетга ўтказилунига қадар пеня ҳисобланмаслиги ҳақида янги норма киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада мулкдорнинг ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қилинганида, мулкнинг бозор қийматида тўлаб берилган компенсация микдорини солиқ даромади таркибига киритмаслик белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки Савдо-саноат палатасининг жамоатчи ҳимоячи сифатидаги иштирокини белгиловчи қоидалар қўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қасддан яширилган,

«Халқ сўзи».

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ДАВР ТАЛАБИ

Шу боис ҳам шаҳар-созлик соҳасининг ривожланишида энергия самарадор бинолар қурилишига эътибор берилиши, яъни шаҳарсозликда янги қуриладиган бино ҳамда мавжуд уйлارни капитал таъмирлашда (реконструкция қилишда) энергия самарадорлигини таъминлашга қаратилган замонавий технологиялардан фойдаланишни кенгроқ жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Биноларнинг ички иссиқлик даражасини бир меъёрга узокроқ сақлаш, ташқи ва ички бино деворларида энергия сақловчи қурилиш материалларидан фойдаланиш муҳимлиги исботланмоқда.

Тадқиқотларда кўп қаватли уйларда (1 квадрат метр майдон ҳисобидан) бир қаватли уйларга нисбатан йил давомида 2 — 2,5 баробар кўп энергия тежаланиши аниқланган. Европа мамлакатларида энергия тежаш даражаси бўйича тураржой қурилишга стандартлар жорий этилган бўлиб, қурилишга руксат бериш учун аниқ нормалар белгиланган, яъни 1 квадрат метр майдонга 15 кВт/соат энергия таъминоти меъёр ҳисобланади.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон шароитида энергия тежамкорлик бўйича шаҳарсозлик соҳасида ҳам ислохотлар зарур.

Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми қишлоқларда, ўзи қурган уйларда истикомат қилишини инобатга

майиб кетиши кузатилади. Жазирама ёз шароитида хона ҳарорати керакли даражада сақланиб туради ва хонани совитишга сарфланадиган электр энергия тежаланиши исботланган.

Бу йўналишни оммалаштиришдаги асосий тўсиқ аҳолининг энергия тежамкор қуёш нури билан иситилувчи уйларидаги реал имкониятларидан хабарсизлигидадир. Бу борада биз, депутатлар аҳоли, жумладан, сайловчиларимиз билан учрашувларда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг нафақат атроф-муҳит учун фойдали жиҳатларини, балки кам харажати ва қулай уйда истикомат қилиш имкониятларини кенгайтиришни тушунтиришимиз зарур ва халқ вакили сифатида ҳар биримиз бунга масъулмиз. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган соҳадаги давлат сиёсати ўзида нафақат энергия ресурсларини тежашни, балки атроф-муҳит билан уйғун яшаш фоясига асосланган бутун бир фалсафани намёнён этиб, аҳолини, шунингдек, келажак авлоди улзуксиз энергия манбалари билан таъминлашга қаратилган. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши энергия манбалари билан улзуксиз таъминланганига боғлиқ.

Наримон УМАРОВ,
Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

МАЛАЙЗИЯ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁГА КИРИШ ДАРВОЗАСИ

Малайзия парламенти Вакиллар палатаси спикери Жоҳари бин Абдул 2023 йил апрель ойда ўтказилган Ўзбекистон Конституциясига ўзгартишлар киритиш бўйича референдумда халқро кузатувчи сифатида иштирок этди. 2024 йил июль ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Малайзияга ташриф буюрди.

Икки мамлакат ҳам таълим ва кадрлар тайёрлаш масаласида ҳамкорликка алоҳида урғу қаратаётганини таъкидлаш жоиз. Биргина Малайзия ҳукуматининг Техник ҳамкорлик дастури доирасида Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг 900 дан ортиқ мутахассислари мамлакатимизда малака оширди. Ўзбекистонлик 500 га яқин талабалар Малайзиянинг нуфузли университетларида тахсил олмоқда. Икки мамлакат таълим муассасалари ўртасида 25 та ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Бу Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлигининг юқори динамикасидан дарак беради. Шу маънода, Куала-Лумпурда ўтказиладиган мамлакатларимиз олий таълим муассасалари ректорларининг форуми таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Аммо ўз минтақасининг етакчи мамлакатлари — Ўзбекистон ва Малайзия муносабатларида салоҳиятимиз ҳали тўлиқ намоён бўлмаган, десак, аини ҳақиқат. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг Малайзияга ташрифи чоғида эришиладиган битимлар, келишувлар, ахдномалар икки томонлама ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларида алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Аввало, sanoat кооперацияси алоқаларини ривожлантиришдан иккала томон ҳам манфаатдор. Малайзиянинг яримўтказгичлар sanoati Ўзбекистон учун катта қизиқиш уйғотиши табиий. Аҳамиятлиси, бу соҳа Малайзия ялпи ички маҳсулотининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Бу жиҳатдан, Малайзиянинг яримўтказгичлар sanoatини ривожлантиришдаги илгор тажрибаси, дейлик, стратегик режалаштириш, маркетинг, инфра-тузилмани такомиллаштириш ва мутахассислар тайёрлаш йўнали-



шидаги ютуқлари Ўзбекистон учун фойдали бўлади. Иккинчидан, юқорида айтиб ўтилганидек, таълим соҳаси, ўзаро академик алмашувлар ва кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш долзарб масала ҳисобланади. Яхши биламиз, ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли хорижий олий таълим муассасаларининг 30 га яқин филиаллари фаолият юритмоқда. Мамлакатингиз Марказий Осиёнинг “таълим маркази” сифатида энергетика, ислом банки, экология, сунъий интеллект, ҳалол sanoat, креатив иқтисодиёт ва бошқа йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича Малайзия университетлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Малайзия томони ҳам бу борадаги ҳамкорликка катта қизиқиш билан қараётти.

Учинчидан, “Марказий Осиё + ACEAN” форматидagi мулоқот майдонини яратиш мақсадга мувофиқ. Бизга яхши маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев ушбу форматда ташки ишлар вазирлари учун мулоқот платформасини яратиш таклифини илгари сурганди. Бу шаклдаги мулоқотлар минтақаларо савдо-инвестиция ҳамкорлиги, sanoat кооперацияси, транспорт ва логистика соҳасидаги масалаларни янада самаралироқ ҳал этиш имконини беради, шунингдек, минтақавий ва халқро ривожланишнинг долзарб кун тартиби бўйича позицияларни мустаҳкамлашга шароит яратди.

Ҳабарингиз бор, 2025 йил Жануби-Шарқий Осиё давлатлари асо-циацияси (ACEAN)да раислик навбати Малайзияга ўтди. Фурсатдан фойдаланиб, биз ACEAN дои-

расида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкор-ликни чуқурлаштириш ташаббуси-ни илгари сурмоқчимиз. Қолавер-са, ҳукуматимиз Марказий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига экспорт йўналишларини диверси-фикациялаш масаласини устувор, деб эълон қилган. Шу маънода, минтақадаги энг йирик давлат — Ўзбекистон биз учун истиқболли бозор ҳисобланса, Малайзия мам-лакатингиз учун Жануби-Шарқий Осиёга кириш дарвозаси санала-ди. Иқтисодиётни рақамлаштириш, минтақавий истеъмол бозорлари-га чиқиш учун транспорт-логисти-ка имкониятларидан фойдаланган ҳолда савдо-саноат йўналишида ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда миллий стратегияларнинг ўхшаш-

Ўзбекистон Президентининг Ма-лайзияга ташрифи натижасида ҳар икки мамлакат “Ҳалол” стандарт-лари ва ислом банки каби соҳа-ларда ҳам ўзаро алоқаларни фаол босқичга олиб чиқиши мумкин. Зеро, Малайзия ҳалол маҳсулот-ларнинг энг йирик экспортчилари-дан бири, аини пайтда, ислом мо-лиясининг халқро маркази сифа-тида эътироф этилади. Демак, бу жабҳалардаги ҳамкорликни ривож-лантириш истиқболли.

Ўзбекистон — Малайзия мада-ний-гуманитар алоқалари икки халқнинг анъаналари, урф-одатла-ри ва маънавий қадриятларини бирлаштирган ўзига хос кўприк-дир. Ўзаро ҳурмат ва маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш истагига асосланган бундай яқин

оммалаштириш ва асраб-авайлаш-да фаол иштирок этмоқда. Утган йили 30 май куни Тошкент шаҳри-да Ўзбекистондаги Ислom цивили-зацияси маркази ва Малайзия Ислom цивилизацияси институти билан биргаликда уюштирилган “Ислom цивилизацияси мутафак-кирлари” тўртинчи халқро илмий-амалий конференцияси ана шун-дай ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир. 22 октябрь куни эса Куала-Лумпурда халқро конфе-ренция доирасида Имом Бухорий илмий меросини ўрганишда замо-навий ёндашувларнинг ўрни муҳо-кама қилинди.

Умуман, бундай тадбирлар зи-ёрат туризмини ривожлантириш-га кўмаклашиши билан ҳам аҳа-миётлидир. 2018 йил февраль ойи-дан буён Ўзбекистон мамлаката-миз фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим жорий этгани, мунтазам ҳаво қатновларининг йўлга қўйилгани ўзаро сайёҳлик оқимининг ошишига хизмат қил-моқда. Биргина утган йилда юр-тингизга ташриф буюрган малай-зиялик сайёҳлар қарийб 10 минг нафарни ташкил этди. Биз бу кўрсаткич билан чеklangиб қолмай-миз, албатта. Орадаги масофа узоқ бўлса-да, аммо қалбан яқин бўлган халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкам-лашда мавжуд салоҳиятлардан унумли фойдаланиш учун изла-нишдан тўхтамаймиз.

Ишончимиз қомилки, Ўзбекис-тон Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Малайзияга ташрифи даво-мида имзоланадиган икки давлат ўртасидаги кенг кўламли шерик-ликни янада ривожлантиришга қаратилган қўшма баёнот ва сал-моқли битимлар тўплами “яшил” технологияларни ривожлантириш, қайта тикланадиган ва энергия-нинг янги манбаларидан фойда-ланишни кенгайтириш, савдо, ин-вестициялар, инновациялар, нефть-кимё, электроника, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, туризм, исло-мий молия, юксак технологиялар, таълим соҳасидаги муносабатлар-ни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Илҳом Тоҳ бин ИЛЛИАС, Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Лойиҳанинг номи — «Зиё улаш»

Адлия вазирлиги аҳоли орасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада оширишга қаратилган “Зиё улаш” лойиҳасини давом эттирмоқда.



Хусусан, вазирлик жорий йилда ушбу тарғиботни “буккроссинг” орқали тарғиб қилишни, яъни китобларни эркин алмашиш ташаббусини илгари сурди. Эндиликда давлат хизматлари ҳамда юридик хизмат кўрсатиш марказлари, ФХДЁ органлари ва “Мадад” ННТ бюрoларида ташриф буюрувчилар китобларни олиб кетиши, ўз навбатида, бошқа китобларни қолдириши мумкин, бу эса билимлар айланишини юзага келтиради.

Маълумот учун, ушбу ижтимоий лойиҳа ўтган йил-нинг февраль ойда бошланган бўлиб, Ўзбекистон-нинг барча ҳудудини қамраб олганди. Шу вақт мо-байнида адлия органлари кўмагида 200 дан ортиқ маҳаллаларда 50 мингдан зиёд бадиий китоблар — миллий ва хорижий адабиёт, замонавий асарлар ҳамда ҳуқуқий қўлланмалар тўпланган кичик кутубхоналар ташкил этилди.

Барқарор сув таъминоти йўлида

Қарши шаҳрининг Хонобод ва Алишер Навоий кўчаларидан ўтувчи диаметри 800 мм. бўлган ичимлик суви тармогини янгилаш ишлари бошланди.



“Ўзсувтаъминот” АЖдан маълум қилишларича, ушбу сайъ-ҳара-катлар маҳалла-ларда кузатилаёт-ган сув таъмино-ти узилишини бартараф этишга қаратилган. Хусу-сан, янгиланиш-лар натижасида ҳудуддаги Насаф, Маҳсумо-бод, Маъзон, Хонтапа, Каманди, Қилич-бек, Қўргонча каби маҳаллалар-нинг ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Муҳими, янги сув қувурлари орқали юқори босимда сув етказиб бериш имконияти яратилади. Бу эса аҳолига янада сифатли ҳамда барқарор сув таъ-минотини тақдим этади.

Бу лойиҳа, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга, чунки у шаҳар бўйлаб янги қурилган ҳалқасимон сув қувур-ларини ўз ичига олади.

Қатновлар оралиғи қисқаради

Тошкент метрополитени вагон паркига яна учта замонавий ҳаракат таркиби қўшилди. Келгуси 7 — 10 кун ичида ушбу таркиблар техник синовдан ўтказилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун йўналишларга чиқарилади.



Транспорт вазирлиги хабарига қараганда, йил бо-шидан бери пойтахт метросига 9 та янги ҳаракат тар-киби олиб келинди. Натижада метрополитен паркида замонавий янги ҳаракат таркиблари улуши 50 фоиз-дан ортиди.

Ҳаракат таркибларининг янгиланиши қатновлар ора-лигини қисқартиришга ёрдам бериб, хизмат сифати-ни янада қулайлаштирмоқда. Февраль ойда яна учта таркиб келиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

Умидли ёшларимиз Буюк Британиянинг энг нуфузли мукофоти билан тақдирланди

Буюк Британияда таълим олган битирувчиларга бериладиган нуфузли мукофотлардан бири, бу — “UK Study Alumni Award”. Ушбу мукофот ўз соҳасида катта ютуқларга эришган ва жамиятга ижобий таъсир кўрсатган инсонларни эътироф этади. Мазкур соврин бутун дунё бўйлаб минглаб номзодлар орасидан энг илгор битирувчиларни аниқлайди. Унинг тоифаларига бизнес ва инновациялар, маданий ҳамда иходкорлик, фан ва барқарорлик, ижтимоий фаолият қиради.

Фахр

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг стипендиатлари Сирожддин Олимов (“Edinburg” универ-ситети магистрату-ра босқичи битирув-чиси) ва Орзигул Фоййбова (“Bristol” университети магис-тратура босқичи би-тирувчиси) Буюк Британиянинг ну-фузли “Study Alumni Award — 2024” му-кофоти билан тақ-дирланди.

Жамғарма ахбо-рот хизмати хаба-рида қайд этилганидек, Сирожддин Олимов республикамиз ёшлари орасида машҳур бўлиб улгурган “Мутолаа” лойиҳаси учун, Орзигул Фоййбова эса ёшларни дунёнинг энг етакчи олийгоҳларига кириши ва грантлар ютишига кўмаклашадиган “ТОП — 100” ҳамда республика-миздаги хотин-қизлар орасида таълимни ривожлантиришга қаратил-ган “PURLA” ижтимоий лойиҳалари учун тақдирланди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ушбу стипендиатларга ўз лойиҳала-рини янада ривожлантириш учун моддий рағбат бериш ҳам кўзда тутилганини қайд этган.

Дарвоқе, Сирожддин Олимов ва Орзигул Фоййбова бугунги кунда Ёшлар ишлари агентлигида фаолият олиб бораётган ҳамда юртимиз ёшлари учун манфаатли бўлган лойиҳаларга координаторлик қилиб келмоқда.



Диёра ЮСУПАЛИЕВА, ЎзДЖТУ талабаси.

Фикр

ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим талаби

Давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йилнинг 20 июнь кунини ўтказилган муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида айтилганидек, юртимизда техника йўналишидаги 36 та давлат олийгоҳидан йилига 67 минг битирувчи чиқади. Аммо улардаги дастур ва мутахассисликлар ишлаб чиқарувчилар талабига мос эмас. Оқибатда муҳандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишда ишламаяпти.

Олий таълим муассасалари фундаментал тадқиқотлар ўтказиш билан чекланган, иқтисодиёт учун амалий ишланмалар жуда кам. Муҳандислик йўналишида юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар қоғозда қолиб кетаяпти.

Тошкент давлат техника универ-ситетида ўтказилган йиғилишда юқорида кўрсатиб ўтилган камчи-ликлар тармоқ раҳбарлари, олим-лар, ўқитувчилар томонидан таҳ-лил қилинди. Мавжуд муаммолар-ни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Бинобарин, мамлакатимиз иқтисодиёти учун техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оши-

рувчи етакчи олий ўқув юрти ҳисобланмиш университетимизда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашда ҳам самарали фаолият олиб бориляпти.

Аёнки, глобал иқтисодий ўзга-ришлар шароитида техника ва техно-логик фанларни ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу маъно-да, инновацион услубларни жорий этган ҳолда транспорт воситала-ридан фойдаланиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва логистиканинг дол-зарб масалалари, автомобиль йўллари, кўприklar, туннеллар, йўлўтказгичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ҳамда қуриш борасида етук кадрлар тайёрлаш асосий ва-

зифамиз ҳисобланади. Қолаверса, кимёвий технология ва озиқ-овқат sanoati ҳамда экология, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги муаммо ва ечимларни ҳал этишда биз тайёр-лаётган кадрларнинг аҳамияти жуда катта.

Ҳозирги шароитда олий таълим муассасалари талабаларини кас-бий тарбиялаш муаммоси тобора долзарблик касб этаётган. Бу ҳақда Президентимиз видеоселектор йи-ғилишида ҳам алоҳида айтиб ўтди. Шу боис биз иқтисодиёт соҳаси учун муҳандис кадрлар тайёрлаш-да “Ўзбекистон — 2030” страте-гиясига қатъий амал қилган ҳолда фаолият олиб борамиз.

Зеро, ҳар бир кадр ўз соҳасида чуқур билимга эга бўлиши, кре-атив фикрлаши, янги инновациялар устида изланиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Ҳикмат ИШМУРАТОВ, Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети профессори.

Онлайн фирибгарликлардан сақланинг!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида журналист ва блогерлар учун “Кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги ўзгаришлар: амалдаги ҳолат ва қутилаётган янгиликлар” мавзuida медиамулоқот бўлиб ўтди.

Медиамулоқот

Унда кредит ахбороти таҳлили билан боғлиқ сўнгги ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Жумладан, эн-диликда жисмоний шахс ўзининг шитирокисиз ёки хабарсиз кредит битими расмийлаштирилишининг олдини олиш учун кредит битими-

ни тузишни кредит бюросига ариза кириштиш орқали тақиқлаши мумкин. Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза олинган пайтдан эътиборан кредит бюроси дарҳол уни реестрга кирилади.

«Халқ сўзи».

Қишлоқ хўжалигида ер ислохотларини амалга ошириш лойиҳа офиси ташкил этилади.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун



Туркий тафаккур осмонининг сўнмас кўёши Алишер Навоий шеъриятини англамоқ учун ҳақимона фаҳм, ўта нозик ва ҳозиржавоб ички туйғу зарур. Шоирни тушунмоқ учун билим, бадиий дид керак.

Навоийшунос олим Ё. Исҳоқов “Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти” номли китобида “...покийнат ва покравиш ошиқ учун мажоз — ҳақиқатга эришиш воситаси, ўша йўлдаги кўприк”, дея таълим беради.

«Ўртанмоқ» саодати

Шарқ орифона шеъриятида бўлгани каби Алишер Навоий ижодида ҳам “мазҳар ишқи” (“ишқи мажозий”) ва “манбаъ муҳаббати” (“муҳаббати ҳақиқий”) бир-бирини тақозо қилади, уйғунлашади, аммо улар орасидаги фарқ инкор этилмайди. Шоирнинг биз таҳлилга қортган “Ўртанур” радиопли газали бунга ёрқин мисол бўла олади:

Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлок ўртанур,
Асрасам кўнглумда жону, жисми ғамнок ўртанур.

Мехр эмас оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шарар,
Айб эмастур гар десам, дам урсам, афлок ўртанур.

Бас таним ўртарга қонлиғ новакнинг, ҳижронни кўй,
Барқ не ҳоҳат, бир учкун бирла хошок ўртанур.

Шамъ ўтин моҳиятин англай деган парвонадек,
Оразинг меҳрини фаҳм айларда идрок ўртанур.

Ишқ аро кўнглум неча толпинса ортар шуъласи,
Ўтқа тушган телба қилгон сойи топоқ ўртанур.

Ашк юб жисмим қудуратдин, қурутмиш оҳ ўти,
Ламъае тушгач узоринг барқидин пок ўртанур.

Эй Навоий, чун рутабдек оташин лаъли аро
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлуб чок ўртанур.

Ушбу газал ишқий маззуда ёзилган бўлиб, унда ошиқнинг маҳбуба соғинчи, ҳижрони изтиробиари тасвирланади. Учинчи байтга етгач, ошиқнинг “жону жисмидаги ғам” сабабларидан бири маҳбубанинг чиройли киприклари экани аён бўлади. Ошиқ ўзининг ожиз танимини хас-хашакка, машуқанинг узун киприклари ва бир назарини хашакни бир чакнаш билан қуйдириб оборувчи чамқоққа ўхшатади.

Газалнинг тўртинчи байти эса моҳиятини аён этади. Шоир бу байтда бевосита тасаввуф рамз ва тимсолларидан сўз очади. Биринчи мисрада онгсиз парвона мўжиза кўринган Шам ҳақиқатини ҳис қилмоқ учун ўзини уяра уриб, унинг танида куйиб, эриб кетгани ва мақсадга етганига ишора этилса, иккинчи мисрада бевосита Яратувчи тимсоли пайдо бўлади. Шоир ошиқнинг мутлақ гўзаллик соҳиби бўлмиш Холиққа меҳрини шу тимсоллар ва улар тақдирига ташбеҳ қилади. Ишқ ҳақиқатини англаш йўлида машаққат чекаётган ошиқ учун ақл-идрок ҳам ожиз эканини баён этади. Бу — тасаввуфнинг ўзақ масалаларидан бири. Тангрини тоат билан ҳам, ақл-идрок билан ҳам топиб бўлмайди. Яратувчини илм билан, ақл кучи билан таниб оламан, дейиш метафизика тарафдорлари ақида-си. Тасаввуфда эса Тангрини топиш учун тоат, ақл-идрок билан бирга пок, равшан ва қуюқ кўнгли керак. Ҳаққа ошиқнинг ёки маърифатталаб орифнинг қалби — Маҳбуба жилва қилувчи макон ва уни муҳаббат оташи ёритади.

Кейинги байт Алишер Навоий қалами бадиий қудратини бекиёс тарзда намён этган. Тасаввурингизга келтиринг, кўнгиш шахс-лантириляпти: кўнгиш — телба, у оловга йиқилиб тушди. Қуяр экан, у қанча кўп тилиричиласа, гулхан ўти шуъласи шунча зиёда бўлади:

Ишқ аро кўнглум неча толпинса ортар шуъласи,
Ўтқа тушқон телба қилгон сойи топоқ ўртанур.

Кейинги байт яна Ҳақ йўлига юрувчига кўрсатма — ошиқ ўз жисмини кўз ёшлари билан ювиб покламоғи, кўп “оҳ” тортаверганидан унинг жисми қуриб, чамқоқдан бир учкун тушиши билан қуйиб, кул бўлмоғи лозим. Чамқоқ — байтда маҳбуба (Холиқ) тимсоли. Ошиқнинг талаб йўлида тинимсиз кўз ёши тўкмоғи лозимлиги тариқатда қалб покланишининг асосий воситаси ҳисобланади. Нақшбандия тариқатининг XIX аср охири XX аср бошларидаги йирик муридларидан бири Хожа Мухйиддинхон Ургутлий ўзининг “Мақтубот” асарида маърифатталабнинг дили қуюқ, кўзи мудом ёшли, тани изтироб ичида бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди. Сўз юритилган байт:

Ашк юб жисмим қудуратдин, қурутмиш оҳ ўти,
Ламъае тушгач, узоринг барқидин пок ўртанур.

Алишер Навоий кўп газалларида кўз ёшлари тимсолини ранг-баранг мазмун ифодаси учун истифода этади. Чунончи, бир газалида у кўз ёшларини бебаҳо дурга қисъалайди ва фавқуллодда қизик бир лавҳа яратади. Бу лавҳадан шундай маъно англанади: кўз ёшларимни, гарчи улар дурларга ўхшасалар-да, ишқимга маҳрам қила олмаيمان. Бунинг сабаби шуки, уларнинг асли яратилишлари кўз ёши, қимматбаҳо жавохиротдан эмас. Яна бир сабаби, улар ишққа маҳрамликка ҳали кичик — ёшлик қилади. “Ёш” сўздан шоир ийҳом санъатини яратади. Шарҳланган байт:

Кўз ёшим дурри ятимин маҳрамин ишқ айламон,
Ҳар нечаким пок гавҳардур, валекин ёш эрур.

Ўрганаётганимиз газал мақтасида шоир “менинг хасталиқдан терга ботиб, ҳўл, нам бўлиб (рутаб) ётган кўнглим машуқамнинг оловдай ёниб турган лабларига тушди, олов барча нарсани қуйдириб, кул қилгани каби, кўнглимни ҳам қуйдириб, тупроқ қилиб юборди”, деган мазмундаги фикрни аён этади. “Хок”, “тупроқ”, “адам” сўзлари маъноси “йўқлик” эканига ишора қилар экан, шоир мақсад йўлида ошиқ ўзлигини маҳв этмоғи лозимлигини ҳам айтгандай бўлади:

Эй Навоий, чун рутабдек оташин лаъли аро
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлиб хок ўртанур.

Маълум бўлганидек, ушбу газалда зоҳиран дунёвий ишқ қуйланган. Аммо ундаги зоҳирий маъно-мазмун иждоқор асосий мақсадини очиб берувчи қалит.

Шу маънода, буюқ шоир бобомиз шеърияти фақатгина кишига эстетик завқ берувчи восита бўлмас, инсоннинг онги, шуурини уйғотувчи, тафаккурини чархловчи, илми ва дунёқарашини бойитувчи, эътиқодини оширувчи ноёб илмий манбадир, десак, муболага эмас.

Дилором САЛОҲИЙ,
Самарқанд давлат университети профессори,
филология фанлари доктори.

ЎҚИТУВЧИ – ЧИН ЗИЁЛИ

Унга билим ва маҳоратини бойитиш учун барча шароит муҳайё

Бугунги ахборот технологиялари замонида ўсиб-ўлғаяётган ёш авлод қизиқувчан, ҳамма нарсани билгиси келади. Масалан, бирор хорижий тилни қай тарзда тез ва осон ўрганиш мумкин? Бу борадаги методика, замонавий ёндашувларнинг қайси бири самаралироқ? Еки бошқа ўқувчи Лутфий газалидаги “ораз” сўзи маъносини, унинг синонимларидан бохабар бўлишни истайди. Ҳа, улар у ёки бу соҳага чандон иштиёқманд, “ўрганаман”, “янгилик яратаман” дея новаторликка интилиб яшамоқда.

Тараққиёт мезонлари

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, мамлакатимизда устозликни касб қилганлар эртамиз эгаларининг бундай талабларига жавоб бера оладими? Ахир бола доимий ривожланишда ва уни ҳар кунини янги ахборот билан бойитиш, ақлини чархлаб бориш зарур. Ўқитувчи билимининг аҳамияти нечоғлилиги эса айнан шу нуқтада ойдинлашади. Зеро, мунтазам ўз устида ишлаган, кутубхонада китоб ва рақлаб, турфа адабиётларни мутлолаа қилган педагог билан “кун ўтди”га дарс бериб қайтаётган педагог ўртасида тафовут катта. Демак, ҳаётдан узилмаган ҳолда ахборот-ресурс марказига ошно тутинган, маърифий боланган муаллим ўзининг билим ва малакасини ошириши қаторида, ўқувчиларга китобга меҳр ва қизиқиш уйғотади.

Албатта, бунинг учун илму маърифат улашувчи маскан моддий-техника базаси мустаҳкам, барча зарур ўқув ва илмий адабиёт ҳамда қўлланмалар билан таъминланган, қисқача айтганда, ҳар томонлама муносиб шарт-шароитларга эга бўлиши талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда фаолият юритаётган ана шундай кутубхоналар кўп. Шулардан бири Абдулла Авлоний номидagi педагог маҳорат миллий институтининг ахборот-ресурс марказидир.

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида институтга таширфи чоғида ушбу кутубхонада яратилган шароитлар билан танишгани бежиз эмас. Мазкур зиё маскани педагог кадрларни касбий ва малакавий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўймоқда.

Кутубхона шинам, ёруғ ва кенг хоналарга бўлинган. Ичкарига қирилганида дастлаб нашр этилган йилига қараб кетма-кетликда Президент асарлари, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий нашрлар, жаҳон ва туркий адабиётлар дурдоналари дид билан териб чиқилган. Эътиборлиси, жавонлардаги китобларнинг

тахланиш услуби бири-бирини такрорламайди. Ноанъанавий, ўзгача шакллarda намoён бўлади.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан чоп этилган юз жилдли туркий адабиётлар тўплами яқинда бу ердан жой олди, ушбу тўплам кутубхонамизнинг энг гўзал маърифий хазинаси, десак, муболага эмас, — дейди ахборот-ресурс маркази бўлим бошлиғи Муҳайё Уралова. — Ушбу тўпладан юздан ортиқ шоир-ёзувчиларнинг бой ижодий мероси, шунингдек, қардош халқлар — қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон адабларининг асарларидан намуналар ўрин олган. Шу тарика жаҳон адабиёти рамзий равишда икки гуруҳга бўлинди. Жаҳон мумтоз адабиёти бир тараф бўлса, туркий адабиёт ҳам дунё адабиётининг залварли бир қисмини ташкил этди.

Кутубхонада бир қарашда ўзгача муҳит борлигини илғаш қийин эмас. Сизу биз кўриб улғайган кутубхоналардан фарқли равишда, бу ерда бир қадар ёрқинлик ҳукм суради. Китобхон мактабда бамисоли ўқувчи каби партага бир хил “қолип”да ўтиришдан мутлақо йироқ. Фойдаланувчи ёки тингловчи ўзига керакли адабиётни танлаб мутлолаага тутиниши учун, жўн қилиб айтганда, ўйингиздаги ҳар шароит муҳай қилинган. Сабаби китобхон ўқиганда ўзини қулай ва эркин тутиши унга ўша асар қаҳрамонининг руҳиятига яқин, муаллиф илгари сураётган гоани тушуниш, ҳамфироқ бўлиш имконини беради.

Айни пайтда ахборот-ресурс маркази жами 87 мингдан зиёд фондга эга бўлиб, шундан 14 мингдан ортиғи педагогикага оид китобларни ташкил этади. Бу ерда адабиётларнинг босма ҳамда электрон нусхаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Турли фан ва соҳаларга оид энциклопедиялар, имло, изоҳли луғатлар ва албатта, педагогикага оид қимматли ҳамда нодир адабиётлар мавжуд. Улкан фонд тўпланганига қарамай, институт жа-



моаси кутубхонанинг электрон базаси устида доимий изланишда. Бугунга қадар 64 мингдан ортиқ адабиётларнинг электрон жамламаси яратилган. Улар Президент асарлари, бадиий адабиётлар, илмий нашрлар, диссертациялар, журналлар, ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий адабиётларни ўз ичига олади. Кутубхона “Ўзнет” тизимига уланган бўлиб, ахборот-ресурс маркази фондидан бир вақтнинг ўзида офлайн ва онлайн фойдаланиш имконини беради.

— Илгари ўқитувчиларимиз битта маълумот олиш учун учта кутубхонага бориб келишига тўғри келарди. Мана энди сарсонгарчиликка ҳоҳат қолмади, — дея қўшимча қилади М. Уралова. — Тизим ёрдамида фойдаланувчилар педагогика, методика, таълим соҳаси учун ҳар қандай маълумотни шу ерининг ўзидан олмақда. Замонавий технологиялар яратаётган имкониятдан фойдаланиб, уни соҳага татбиқ этганимиз катта ютуқ, деб ўйлаймиз.

Ахборот-ресурс марказида инклюзив таълимга оид адабиётлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жамиятда инклюзивлик, бағрикенглик ва ўзаро меҳр ришталарини болғашда ўқитувчи-мураббийларнинг ҳиссаси бекиёс. Шу жиҳатдан, жисмоний чекланганликни ҳис қилдирмаслик, ҳаммага тенг таълим таъмоийли бугунги замонавий таълимнинг мақсадига айланган. Кутубхонада кўзи ожизлар учун Брайль алифбосига оид энг зарурий адабиётлар — методика ва ўқув қўлланма ҳамда дарсликлар жамлама ҳолига келтирилган.

Бундан ташқари, ахборот-ресурс марказида ўқув-методик адабиётлар бўлими мавжуд бўлиб, бу ерда мактабгача таълим, мактаб таълимига оид адабиётлар,

Дарҳақиқат, болаларга таълим-тарбия беришни ҳаётий мезонга айлантирилган устоз-мураббийлар элда эъзоз топади. Кутубхонанинг фахрий бурчаги маърифатпарвар жадид бобомиз Абдулла Авлонийнинг музейига туташиб кетади. Бунда ўзига хос рамзий маъно муҳассам, албатта. Ўтган асрнинг моҳир педагоги Абдулла Авлоний билан юқорида номлари санаб ўтилган замонамиз педагогларининг ёнма-ён туриши, таълим ва тарбия масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблигини йўқотмаслигига, дунёни фақатгина маърифат ва илм нури кутқаришига ёрқин ишорадир.

Норғиза ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).

■ Нигоҳ

Мамлакатимиз ижодий жамоаси Токио минорасида концерт берди

Юртимизнинг Япониядаги элчихонаси кўмағида 8-Токио халқаро санъат фестивали доирасида Токио телеминорасида Ўзбекистон маданияти ва мусиқаси кечаси ташкил этилди.

Унда Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Алишер Жамолдинов бошчилигидаги юртимиз санъат усталари қатнашди.

Тадбирда Тошиба халқаро жамағармаси ижрочи директори Ямазаки Хироки саккизинчи мартаба ўтказилаётган Токио телеминораси маданият фестивалида анъанавий тарзда Ўзбекистон маданияти ва санъатининг намойиш қилинаётгани Японияда юртимизга бўлган қизиқиш фаол ошиб бораётганидан далолат эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Тошиба халқаро жамағармаси янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали икки мамлакат маданий алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганини айтиб ўтди.

— Бу йилги тадбирга Ўзбекистондаги мусиқа академик лицейининг моҳир созандалари ўзгача шухуқ бағишлади, — деди “Cultural Sending Promotion Committee” компанияси раиси Тачибана Харука. — Биз бундан кейин ҳам Ўзбекистон томони билан маданий ҳамкорликни давом эттириб, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳаракатида бўламиз.



Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ижодий жамоаси томонидан тақдим этилган концерт дастуридан “Тановар”, “Хайрона”, “Фарғона рубойиси” каби ўзбек миллий куй ва қўшиқлари ҳамда Армугон Низомидин-хўжаева томонидан бастанланган “Шарқона фреско” ва “Нингни” ўзбек — япон қўшма мусиқий лойиҳаси ўрин олди. Шунингдек, қонун, доира ва ғижжак каби ўзбек миллий чолғу асбоблари ҳақида иштирокчиларга сўзлаб берилди.

«Дунё» АА.
Токио

Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида «Киберхавфсизликни хуқуқий таъминлаш» магистратура мутахассислиги очилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 379 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коддин телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўтказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаовбар.

Газета тахриратта компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни — 23.05 **Топпирилди — 01.20** **1 2 3 4 5 6**